2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

20 (570)

2007 йил 16 май

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
▶ Кайковуснинг ўгитидан бехабарлар
▶ Қумлоқ ўрнидаги Паттакесар...

3
▶ Рўзғорнинг аввали касб-кор!
▶ Пайкал бошида банк хизмати

4
▶ Чиннидан яралган «Сарой гули»
▶ Тўғжон қиз — машҳур бахши

Қашқадарё вилояти

ПЎЛАТ ИЗ УСТИДА МЕТАЛЛ КЎПРИКЛАР

ушбу иншоотлар Япония Халқаро ҳамкорлик банки ажратган кредит маблағи ҳисобидан бунёд этилади

Республикамиз иқтисодий, ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўли қурилиши жадаллик билан давом эттирилмоқда. Унда чет эл сармояларидан фойдаланиш қурилиш суръати ва сифатини ошириш имконини бераётир.

Жуда катта аҳамиятга эга бўлган 5 та темир йўл кўприги Япония Халқаро ҳамкорлик банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига бунёд этиладиган бўлди.

Темир йўлнинг 91-километрида Япония лойиҳаси асосида қуриладиган дастлабки металл кўприк пойдевори учун тош қўйилди. Унда Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япония Халқаро ҳамкорлик банки, шунингдек, "Shimizi-Nippon Steel Engineering-vokogawa JV" консорциуми ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси вакиллари қатнашдилар.

Шундан сўнг Дарбанд темир йўл бекатида қурилажак металл кўприк лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши республика саноати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириши эътироф этилди, бу ҳудудларда маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарининг бунёд этилиши эса, қишлоқларда яшайдиган кишиларда янги касб-ҳунарларни жамлаш, уларни фойдали иш билан таъминлаш имконини янада кенгайтирилганлиги алоҳида таъкидланди.

Лойиҳа қиймати 4 миллиард 840 миллион иенага тенг бўлиб, 25 ой муддатда, 2009 йил 9 апрелга қадар қуриб битказилиши мўлжалланган. Кўприкларнинг 4 таси Қашқадарё ва 1 таси Сурхондарё вилояти ҳудудида бунёд этилади.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

КАМОЛОТГА ПОЙДЕВОР ҚЎРҒОН

15 май — Халқаро оила куни муносабати билан ўтказилган тадбирда пойтахтимиздаги ибратли оилалар ўзаро беллашдилар

Ҳар қайси жамиятда ҳам комил инсон тарбиясига энг устивор вазифалардан бири сифатида қаралади.

Ўзбекистон заминида камолотнинг пойдевори оилада бунёд этилади. Асрлар давомида шаклланган анъанаю удумларимиз, қадриятларимиз барҳаётлигини таъминлаб, авлоддан-авлодга етишига хизмат қилаётган ҳам шубҳасиз оила қўрғонидир. Қолаверса, оила бугунги кунга келиб бутун дунёда, ҳатто шахс индивидуализми ҳар нарсадан устун қўйиладиган ғарб мамлакатларида ҳам жамият устуни, инсонга ўзлигини англатувчи даргоҳ сифатида тан олинмоқда. Оилага жамият институти мақоми берилганиёқ унинг мустаҳкамлиги жамият равнақи учун нақадар аҳамиятли эканидан далолатдир.

Халқимизда тўкис бахт тушунчаси асосан оила бутунлиги, мустаҳкамлиги, ўзаро тотувлик, фарзандлар камоли билан белгиланади. Шу боисдан ҳам Истиқлол йилларида мамлакатимизда оила манфаатларини таъминлаш йўлида муҳим ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Зеро, соғлом авлод соғлом оилавий муҳитда камол топади, оилалардаги тотувлик юрт қудратини юксалтиради.

Кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Миллий боғда бўлиб ўтган "Оила — муқаддас Ватан" номли байрамона тадбирда ҳам юртимизда тинч-тотув яшаётган ибратли оилалар эл-юрт ардоғида эканлиги яна бир бор аён бўлди. 15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбир ташкилотчилари рўйхатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар "Оила" маркази, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун", Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг шаҳар бўлимлари, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши, халқ таълими, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари бор эди.

Тадбирда "Энг намунали оила" кўрик танлови, "Соғлом оила" эстафетаси, "Отам, онам ва мен" мавзуида асфальтга расм чизиш, "Оила муқаддас даргоҳ" плакатлар кўрик-танловлари ҳамда "Ёш оила" викторинаси бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбирда "Тадбиркор оила — фаровон оила" шиори остида пойтахтда тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилалар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Миллий боғдаги байрамона маросимда пойтахтимиз маҳаллаларининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини ҳам учратдик. Ўз туманида ибратли деб топилиб, бугунги беллашувларда иштирок этаётган оилалар муваффақиятида, табиийки, уларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тадбир сўнгида кўрик-танлов, эстафета ва викторина ғолибларига фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар топширилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Наргис БЕРДИБОЕВА

СУРАТДА: "Энг намунали оила" кўрик-танловининг Юнусобод тумани босқичи ғолиби — 52 йилдан буён турмушнинг аччиқ-чучугини биргаликда баҳам кўриб келаётган Хиёбонтепа маҳалласилик Носир ота ва Мухлиса она Отабековлар 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишган. Бугунги кунда ушбу оила бошчилари 12 нафар набира ва 1 нафар эвараниинг севимли буваси ва бувиконисидир.

Руслан ГАЛИЕВ олган суратлар.

Бухоро вилояти

"БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ"

кеча Бухорода ана шу шиор остида имконияти чекланган болалар ўртасида бўлиб ўтадиган халқаро махсус олимпиада ўйинларига старт берилди

Олимпиада ўйинларини ўтказишдан асосий мақсад жамоатчиликнинг имконияти чекланган болаларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, уларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, ногирон болаларда ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил этиш ва уларда бундай ўйинлар учун зарур билим ҳамда малакаларни ҳосил қилишдан иборат. Уч кун давом этадиган ушбу халқаро мусобақа "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида «Special Olimpics» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Миллий Олимпия қўмитаси, «Меҳр нури» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Олимпиада ўйинларида ўндан ортиқ мамлакатдан келган ва ўзбекистонлик спортчи болалар иштирок этишмоқда. Бундан ташқари, спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида 116 нафар хорижлик малакали мураббий, 600 нафар валонтёр (кўмакчи), халқаро оилавий кардинаторлар, Тошкент халқаро мактаби (дипломатик корпус) болалари ва бошқа бир қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилган.

Мусобақалар спортнинг футбол, енгил атлетика, бадментон, баскетбол, бадиий ва спорт гимнастикаси турлари бўйича бўлиб ўтаяпти. Ўйинлар Бухоро шаҳридаги "Бухоро", "Хумо", "Нафис", "Ситора" ва "Ёшлик" спорт мажмуаларида ўтказилади.

Шунингдек, олимпиада ўйинлари давомида "Бухоро Палас" меҳмонхонасида имконияти чекланган ва соғлом болаларнинг умумтаълим мактабларида бирга ўқитишни ташкил этиш бўйича халқаро форумини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Маълумки, Бухоро шаҳридаги 8-сон умумтаълим мактабида таълимнинг айнан шу усули амалиётда қўлланилмоқда. Тажрибалар бундай усулдаги таълим соғлом болаларда ногирон тенгдошларига нисбатан меҳр-мурувват уйғотиши, ногирон болаларда эса ҳаётга қизиқиш орттиришини тасдиқлайди. Форум иштирокчиларини мазкур мактаб тажрибалари билан яқиндан таништириш режалаштирилган.

Мусобақа қатнашчиларининг Бухородаги тарихий қадамжоларни зиёрат қилишлари ва бир қатор кўнгилочар тадбирларда иштирок этиб, мароқли дам олишлари ҳам ташкилотчилар эътиборидан четда қолмаган.

Хамроз АЛИ, "Mahalla" мухбири.

"Универсиада — 2007" мусобақалари олдидан

ЁШЛИК — ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИГА ШАЙ

20-24 июнь кунларида талаба ёшларнинг "Универсиада — 2007" спорт мусобақалари пойтахтимиздаги Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳудудида ҳам бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу беллашувларни юқори савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳарчада фаолият кўрсатаётган "Универсиада —2007" ишчи гуруҳи томонидан спорт иншоотларини мусобақаларга тайёрлаш, иштирокчиларни турар-жой билан таъминлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш ишларини пухта ташкил этиш борасида аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Айни пайтда шаҳарча ҳудудида 42 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Шаҳарчанинг таркибий қисмини эса Чиғатой-Оқтепа, Шифокорлар, Зиё, Университет, Беруний майдони, Хислат, Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Ғолиб номли маҳаллалар ташкил этади. Мусобақаларга тайёргарлик ишларида ана шу маҳалла йиғинлари ходимлари ҳам фаол қатнашишмоқда. Бу ерда талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилган: замонавий спорт иншоотлари, матбуот тарқатиш шахобчалари, кутубхона, ахборот-ресурс маркази, шунингдек, талабаларнинг "Маънавият ва маърифат" маркази қошидаги турли соҳаларга йўналтирилган клублар ёшлар ихтиёрида. Ер майдони жиҳатидан унчалик катта бўлмаган — 600 гектарлик ҳудудда 24 та таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. "Универсиада — 2007" муносабати билан шаҳарчада қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Натижада, шаҳарча қиёфаси янада гўзаллашиб, замонавий иншоотлар қад ростлади.

— "Универсиада — 2007" мусобақаларига тайёргарлик жараёнида талаба ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳокимлигининг матбуот котиби Назира Ҳамраева. — Ҳудудда олиб борилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхши ташкил этилгани боис, барча ер майдонларимиз кўзни қувнатгудек чирой очди, 150 минг тупдан зиёд гул кўчатлари эса талабалар томонидан парваришлаб келиняпти.

Айтиш жоизки, "Универсиада — 2007" мусобақалари спортнинг баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол, гандбол, сузиш ва дзюдо каби жами 12 тури бўйича ўтказилади. 1946 нафар талаба ёшларни бирлаштирадиган спорт беллашувларининг 8 тури Ёшлик талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтади. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академиясининг янги қад ростлаган спорт мажмуалари ва сузиш ҳавзалари айни пайтда мусобақаларга шай.

Беҳзод ҚОБУЛОВ

Йил дастури ижроси — амалда

Андижон вилояти

4 мингта хонадонга 100 мингта парранда

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ҳукуматимиз томонидан вилоятдаги 4000 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларни ҳомийлар ҳисобидан юз мингта товуқ билан таъминлаш вазифаси белгиланган эди. Шу тариқа 25 та товуқ олган ҳар бир хонадондаги бир нафар кишининг доимий иш билан таъминланиши кўзда тутилган.

— Ҳозирга қадар вилоятнинг еттита туманидаги 1658 хонадонга 41443 та товуқ тарқатилди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бош ҳисобчиси Ҳайдарали Усмонов. — Жорий йилнинг биринчи ярмига қадар белгиланган вазифани ниҳоясига етказишни режалаштирганмиз. Айни пайтда товуқли бўлган хонадонлар тухум етиштириб, ўзларининг моддий аҳволини яхшиламоқдалар.

Наманган вилояти

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

бу ташаббусга эргашувчилар кўпайиб, хайрли ишдан баҳраманд бўлганлар сони 80 тага етди

"Маҳалла" жамғармаси Норин тумани бўлинмаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда бўлинма тумандаги Марғизор, Қоратош ва Бобур номли маҳаллаларда истиқомат қилувчи 3 та кам таъминланган оилага сигир ҳадя қилган эди. Тез орада тумандаги "Ҳаққулобод савдо" масъулияти чекланган жамияти, ветеринария бўлими, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, "Шаҳбоз Шавкатжон ўғли", "Шарқ осмони", Вали қори бува номли фермер хўжаликлари ҳам бундай ташаббусни давом эттириб, муҳтож оилаларга саховат кўрсатдилар.

Туманда ҳозирга қадар ҳомийлар ҳиммати билан 80 та хонадон қорамолли бўлди. Жорий йилнинг якунига қадар бу хайрли тадбир кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси

УСТОЗ ВА ТАЛАБАЛАР МЕҲРТАЛАБ БОЛАЛАР МАСКАНИДА

Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ҳамда аълочи, жамоат ишларида фаол талабалари Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи ожиз болалар махсус мактабида бўлишди.

Меҳмонлар бу ерда тарбияланаётган болаларга видео ва аудио буюмлари, кийим-кечаклар ҳамда турли ўйинчоқлар совға қилишди. Болалар эса меҳмонларга миннатдорчилик сифатида катта концерт дастурини намойиш этишди.

Бундай хайрия тадбири Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибончилик уйида ҳам бўлиб ўтди.

Фарғона вилояти

НЕФТЧИЛАР МУРУВВАТИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи раҳбарияти ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш кунида уруш ва меҳнат фахрийлари учун Қиргули мавзесидаги "Нефтчи" маданият саройида байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда байрамона дастурхон тузалиб, завод директори Маҳмуджон Эргашев, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Усмонжон Бегматов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнорахон Маърупова, вилоят хокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаевалар фахрийларга совға ва пул мукофотларини топширишди.

Ушбу қутлуғ кунда узоқ йиллар давомида заводда фаолият кўрсатган марҳумлар номи эҳтиром билан тилга олинди.

Байрам қатнашчиларига "Нефтчи" маданият саройининг бадиий гуруҳлари иштирокида концерт дастури ва театрлашган саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

"Mahalla" мухбирларининг хабарлари

— Яна нима дейсиз?

— Тиниб-тинчимаган одамлар-эй, темир йўл бекатига кўприк солармиш-а?..

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Фаолиятда ибрат йиғинлар

Сурхондарё вилояти

ҚУМЛИКЛАР ЎРНИДА ҚИШЛОҚ

айни пайтда тумандаги обод гўшалардан бирига айланган

Ҳалим Наимов кўп йиллар иқтисодиёт соҳасида фаолият юритган. 2001 йилда қишлоқдошлари уни Паттакесар қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди.

Вилоятнинг Термиз туманида жойлашган Паттакесар қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида айни пайтда 7 та маҳалла мавжуд.

Айтишларича, бундан кўп йиллар аввал қишлоқ ҳудуди қумликлардан иборат бўлиб, у ерда фақат ёввойи ўсимликлар ўсган ва маҳаллий аҳоли бу ўсимликларни "патта" деб атаган экан. Вақт ўтиши билан ана шу патталар кесилиб, уларнинг ўрнида экин майдонлари барпо этилган. "Паттакесар" номи шу тариқа келиб чиққан, дейишади.

Айни кунларда Ҳалим Наимов қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида тинимсиз меҳнат қилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Чегара, Солиобод, Мангузар маҳаллаларида шинам ва ҳашаматли гузарлар қад ростлади. Бундан ташқари, Гулистон, Солиобод, Наврўз, Чегара, Мангузар, Жойжангал, Паттакесар маҳалларида жойлашган 8 та умумтаълим мактаби, 2 та болалар боғчаси, 3 та қишлоқ ҳакимлик шифохонаси, 4 та сартарошхона, 9 та ошхона ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шахобчалари қишлоқ кўркига кўрк қўшмоқда.

Паттакесарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, хайрли ишларни бажаришда Ҳалим Наимовга Нурхон Жумаев, Олим Нурматов, Саломат Юсупова, Парда Фармонов, Лола Мирзоқулова, Ҳалил Чориев, Ислом Раҳимов сингари маҳалла оқсоқоллари елкадош. Маҳаллий фермерлар ва тадбиркорлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Хусусан, "Сурхон воҳаси" фермер хўжалиги раиси Рисолат Маматқулова ўнта кам таъминланган оилага мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Яқинда у маҳалласидаги 3 нафар ўғил боланинг суннат тўйини ўтказиб берди. Иккита ёрдамга муҳтож оилага сигир ҳадя қилди. Шунингдек, Ҳайитмурод бобо, Эргаш Полвон номли ва "Сахий — Дўстлик" фермер хўжаликлари раҳбарлари Зокир Ҳайитмуродов, Чори Ёрматов, Худойназар Эргашев ва Маслаҳатдин Оромовларнинг ҳиммати билан яна 9 та оила қорамолга, Гулистон маҳалласи аҳолиси эса замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қишлоқ ҳакимлик пунктига эга бўлди.

Қишлоқ йиғини ҳудудида оммавий ва болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жумладан, тадбиркор Муҳиддин Маматқулов Мангузар маҳалласидаги собиқ "Дўстлик" ширкат хўжалигига қарашли харобага айланган ўйингоҳни қайта таъмирдан чиқарди. Майдонда собиқ ширкат раиси Қурбон Хиллаев хотирасига бағишлаб, маҳаллалараро футбол мусобақаси ўтказилди. Бир пайтлар ташландиқ ҳолда ётган мазкур ўйингоҳ эндиликда гавжум масканга айланган. Маҳалла ёшлари бу ерда спортнинг волейбол, футбол, қўл тўпи, кураш ва каратэ турлари бўйича машғулотлар ўтказишмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

Бўстонлиқ туманидаги Парвоз маҳалласига икки йилдан буён бошчилик қилиб келаётган Ўрол Давронов жамоат билан ишлашда анча тажрибага эга, чунки у оқсоқолликка сайлангунича "Нуроний" жамғармасининг туман бўлинмасини бошқарган. Ўрол аканинг фидокорона меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у киши "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

— Йиғинимиздаги кўпгина ишларни амалга оширишда севимли нашримиз — "Mahalla" газетасида чоп этилган мақолаларга таянамиз, — дейди оқсоқол.

СУРАТДА: *Ўрол Давронов ва маҳалла фаоллари севимли нашрлари билан.*

В.ПОРТНОВ олган сурат.

Фарғона вилояти

Ҳотира — абадий, қадр — бардавом!

"ЛАНГАР" — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Турсунали Юсуповнинг айни навқирон йигитлик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Жангда кўрсатган жасорати ва мардлиги учун у 14 та орден ва медаллар билан Фарғона туманидаги она қишлоғи — Оқбилолга қайтди.

Урушдан кейинги йилларда Турсунали ота қишлоқ кенгашида котиб ва бошқа масъул лавозимларда ишлаган. Т.Юсупов ўзининг ҳалоллиги, меҳнаткашлиги, ғамхўрлиги ва Ватанга садоқати билан ҳамқишлоқларининг ҳурматини қозонган.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Турсунали отани ҳамқишлоқлари яна бир бор ёдга олишди. Тумандаги 22-ўрта мактабда унинг хотирасига бағишлаб маҳаллалараро футбол турнири ташкил этилди. Турнирда туман маҳаллаларининг "Ғалаба", "Дўстлик", "Лангар", "Янги боғ", "Хонқиз" ҳамда қўшни Қирғизистон Республикаси Холмиён қишлоғининг "Холмиён" футбол жамоалари тўп суришди.

Мусобақада Чимён қишлоқ фуқаролар йиғининг "Лангар" жамоаси ғолиб деб топилди. Оқбилол қишлоғининг "Ғалаба" ва "Дўстлик" жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолиб жамоаларга марҳум Турсунали Юсуповнинг ўғиллари — Нўъмонжон, Аҳроржон ва Аброржонлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

МУХБИРИМИЗ

Наманган вилояти

ШОЛИЗОР ТАЖРИБАСИ

туман миқёсида оммалаштирилади

Яқинда Поп тумани ҳокимлиги томонидан Шолизор фуқаролар йиғини тумандаги энг обод маҳалла деб топилди. Йиғин оқсоқоли ва фаоллар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Маҳалламизда ётиб қолган тўрт нафар бемор бор. Уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, кам таъминланган оила ва ногиронлардан кўнгил сўраб турамиз, — дейди фуқаролар йиғини раиси Ҳусния Қорабоева. — Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчимиз Маҳмуда Мавжутова, профилактика нозири, посбон ва маҳалла фаоллари билан биргаликда иш олиб боряпмиз. Мақсадимиз — маҳаллада ҳамжиҳатликни таъминлаш, озодалик ва фаровонликка эришиш.

Нўъмонхон Комилов, Азамат Султонов, Уйғун Зафаров, Паҳлавон Ғаниев ва Нигора Туронова каби тадбиркорлар маҳалладошларидан саховатини аямаяпти. Савобли ишга киришиб кетган Раъногон Маматхонова хусусий шифохона очаяпти. Ҳадемай маҳалла фуқаролари шу ернинг ўзида тиббий кўрикдан ўта бошлайди.

Ҳар жума куни ҳудудда ҳашар ўтказилиши маҳалладошлар ҳамжиҳатлигининг тасдиғи. Айни пайтда эса маҳалла кўчаларига асфальт ётқизилмоқда.

— Шолизор маҳалласининг тажрибасини оммалаштираяпмиз, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Б.Мадалиев. — Йиғиннинг аҳоли ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш ва ободончиликка эришиш борасидаги хайрли ишлари айниқса, ибратга лойиқ.

МУХБИРИМИЗ

ХИТОЙнинг "ХОРИЖ"и

ушбу пилла навидан мўл ҳосил олиш кўзда тутилган

Ёзёвон тумани пиллакорлари жорий йилда 1456 қути ипак қурти парваришлаб, 65 тонна пилла ҳосили етиштириш бўйича мутасадди корхоналар билан шартнома тузишган. Лекин уларнинг мақсади — ҳар қути ипак қурти ҳисобига одатдагидек 44 килограммдан эмас, камида 70 килограммдан сара пилла етиштириш. Шу боис туманда қурт боқиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди.

791 та фермер хўжаликлари ичидан 1288 та оилага пилла қуртлари парвариш учун топширилди.

Бугунги кунда туманда ипак қуртлари парваришини назорат қилиш ва қурт боқувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича туман ҳокимлиги, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларининг туман бўлинмалари вакилларидан иборат 3 та гуруҳ иш олиб бормоқда.

— Жорий йилда Хитойдан "Хориж" навли ипак қурти келтирилиб, ундан мўл ҳосил олиш кўзда тутилган, — дейди туман "Пилла" масъулияти чекланган жамияти раиси Қўчқорали Мамадалиев. — Шундан минг қутиси плёнка остида парвариш қилиняпти. Бунинг афзаллик томони шундаки, ипак қуртининг озуқаси бўлган тут барги тежалади ва хонадонларнинг иссиқлик даражаси доимо бир меъёрда ушлаб турилади.

Ипак қуртини парваришлашда Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бувихон она, Каримова Майрамхон номли ҳамда Қатортол қишлоғидаги Ҳуснида номли фермер хўжаликларининг пиллакорлари барчага намуна бўлмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

Кўҳна МАРҒИЛОН чирой очмоқда

СУРАТДА: *Марғилонда янги қурилган 32-умумтаълим мактаби биносининг кўриниши.*

М.Қодиров (ЎзА) олган сурат.

Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна ва навқирон Марғилоннинг 2000 йиллик тўйи муносабати билан шаҳардаги қирқдан ортиқ иншоотда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Ёпиқ сузиш ҳавзаси, Ёшлар хиёбони, Маҳалла маркази каби янги объектлар шулар жумласидан. Бундан ташқари, юбилейга тайёргарлик ишлари доирасида шаҳардаги тарихий-маданий ёдгорликлар, маданий-маиший иншоотлар, ўқув масканлари бинолари қайта таъмирланиб, шаҳар кўркига кўрк қўшилмоқда.

Навоий вилояти

ВАНҒОЗИДА МАҲАЛЛА МАРКАЗИ

Қизилтепа туманидаги Ванғози маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида Салим ҳожи ота Каримов ҳомийлигида маҳалла маркази бунёд этилди.

Айни пайтда мазкур марказда фаолият кўрсатаётган қишки ва ёзги мавсумда турли маросимларни ўтказишга мўлжалланган зал, банк шахобчаси, тикувчилик цехи, сартарошхона, интернет кафе, теле ва видео ускуналари тузатиш устахонаси, қариялар чойхонаси ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шахобчалари каттаю кичикка бирдек қулайлик туғдирмоқда.

— Маҳалла маркази иш бошлагач, ҳудудимиздаги 60 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди, — дейди Ванғози маҳалласи оқсоқоли Турсунпўлат Азизов.

Асли касби ўқитувчи бўлган Салим Каримов катта ҳаёт тажрибасига эга, элнинг яхши-ёмон кунида елкадош бўла оладиган фидойи ва саховатли инсон. У фарзандларини ҳам ана шундай тарбия қилди. Ҳозирда Салим отанинг тўрт нафар ўғли тадбиркорлик билан шуғулланиб, маҳалласидаги кам таъминланган оилаларга саховат кўрсатмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЭЛЛИККҚАЛЪАЛИК ФАХРИЙЛАР — САФАРДА

Элликқалъа тумани ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан 25 нафар меҳнат ва уруш фахрийларига саховат кўрсатилди.

Отахонлар беш кун давомида Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳудудида бўлиб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

Сафар давомида "Қорақалпоқавтотранс"нинг Элликқалъа туманидаги 20-ҳиссадорлик жамияти томонидан ажратилган махсус транспорт фахрийлар хизматида бўлди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

ҲАМ ШИФО, ҲАМ ОРОМ

вилоятдаги фахрийлар қариялар оромгоҳида ҳар икки имкониятдан бепул фойдаланишади

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасига қарашли қариялар оромгоҳи Жиззах шаҳрининг хушманзара ҳудудида жойлашган. Бу масканда асаб, юрак-томир, марказий ҳаракатланиш тизими касалликлари билан оғриган беморлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар соғликларини тиклаб кетишади.

Дам олувчилар малакали шифокор ва ҳамшираларнинг хизматидан мамнун. Оромгоҳда даволаш гимнастикаси, уқалаш, электр энергияси ва физиотерапевтик усуллар билан даволаш амалиётлари кенг қўлланади. Айниқса, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни ҳамма хуш кўриб ичади. Мазкур масканда қариялар ўн икки кун давомида бепул даволаниб, ҳордиқ чиқариб кетадилар.

— Бахмал туманидан келдим, — дейди 83 ёшли Ғиёс бобо Бекамов. — Уруш қатнашчиси, I гуруҳ ногиронман. Келганимга эндигина олти кун бўлган бўлса ҳам, ўзимни анча бардам ҳис қилаяпман. Оромгоҳ ходимларидан беҳад миннатдорман.

— Бўш вақт топдим дегунча шу ерга келаман. Отахон ва онахонларимиз билан суҳбатлашсам, кайфиятим кўтарилади, руҳимда енгиллик сезаман. Қарияларимизни қанчалик эъзозламайлик, барибир оз. Ахир уларнинг бугунги дориломон кунларга етишимиздаги ҳиссаларини унутиб бўларканми? — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Сакина Алмамедова.

МУХБИРИМИЗ

Йиғинда аёллар фаоллиги

Самарқанд вилояти

ХОНЧОРБОҒ МУАММОСИ

унга фермер ва тадбиркорлар кўмагида ечим топилди

Хончорбоғ маҳалласи Пастдарғом туманидаги энг чекка, иқлим шароити мураккаб маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ушбу маҳалла бундан 15-20 йил муқаддам яйдоқ чўл ерлари ўзлаштириб, унинг ўрнида ташкил этилган эди. Айни пайтга келиб Хончорбоғ аҳолиси сони тўрт ярим минг нафарга етди.

— Янги ташкил бўлган маҳаллани бошқариш учун одамларни бирлаштириб, эзгу ишларга чорлайдиган, маҳаллани обод қилишга бел боғлаган ташаббускор, шижоатли, тажрибали инсон зарур эди, — дейди айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб фаолият юритаётган Норгул опа Каримова. — Биз ниҳоят ушбу масъулиятли ишга муносиб номзод — Нодира опа Азнаровани оқсоқол этиб сайладик. У киши мана беш йилдирки, маҳаллани бошқариб келаяпти.

Нодира опа — асли педагог. У маҳалладаги умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилиб юрган кезларидаёқ жонкуярлиги, ташкилотчилиги билан маҳалладошларининг эътиборига тушди, ҳурмат қозонди. Қолаверса, ўз касбининг моҳир устаси сифатида "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолиби бўлди.

— Маҳалламизда 68 та фермер хўжалиги бор, — дейди Нодира опа. — Барака топишсин, биз фермерларнинг беминнат кўмагига суянамиз. Хончорбоғ ҳудудининг бир томони зах майдонлар, бошқа томони сув чиқмайдиган дашт ерлардан иборат. Биласиз, бу йил баҳор серёғин келди. Фермерлар ёрдамида зах майдондан сизот сувларни қочириш мақсадида 3,5 километр узунликда зовур қазидик. Сув чиқмайдиган ерларга сув чиқардик. Ташландиқ ётган майдон ўрнини тозалаб, ҳашар йўли билан болалар спорт майдончасини бунёд этдик. Айни пайтда маҳалламизда масжид қурилиши тугалланаяпти. Бу хайрли ишларга Олмос Абдуллаев, Баҳора Юсупова, Ашур Бердиёров, Бурхон Нурмуҳаммедов сингари саховатпеша фермерлар астойдил ҳисса қўшишаяпти. Бинобарин, маҳалладошимиз, тадбиркор Маҳбуба Эргашева ҳудудда бир нечта аёллар ва эркаклар сартарошхонасини очди. Эътиборлиси, бу ерда кам таъминланган оилалар ҳамда маҳалла нуронийларига бепул хизмат кўрсатилаяпти.

Маҳаллада болалар спорти, миллий ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилади. Қўлигул чевар Назокат Райимова бошчилигида 50 нафардан ортиқ маҳалла қизлари тикувчилик сирларини ўрганишмоқда. Бу ерда ёш келин-куёвлар учун миллий матолар — атлас ва адрасдан махсус тўй либослари ҳам тайёрланаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

ТАЪМИНОТ ТАЛАБ ҚИЛАЯПТИ

Эрим ичкиликка берилиб кетганидан сўнг суд томонидан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва оиламиз бузилди. Шу орада ўғлим вояга етиб, уни уйли-жойли қилдим.

Собиқ эрим эса бор будини ичкиликбозликка совурди. Энди ўғлимдан моддий таъминот талаб қилаяпти. У бунга ҳақлими?



Жавоб:

МАЖБУРИЯТДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ, АГАР...

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 120-моддасига биноан, суд қуйидаги ҳолларда:

агар эр-хотин никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлган бўлса;

агар ўз таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотин нолойиқ хулқ-атвори туфайли никоҳдан ажратилган бўлса;

агар ёрдамга муҳтож эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши унинг спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни истеъмол қилиши ёки қасддан жиноят содир этиши оқибатида юз берган бўлса, эр (хотин)ни ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр)га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин.

Ушбу кодекснинг 113-моддасига кўра, агар суд ота-онанинг ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаганлигини аниқласа, болаларни меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши мумкин.

Қилмиш — қидирмиш...

Андижон вилояти

ҚОНУНга ЧАП БЕРГАН ҚАЛЛОБЛАР

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек уларнинг жиноий қилмишлари ҳам фош этилди

Шарқнинг буюк алломаларидан бири Кайковус шундай ёзади: "Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмакдин ғофил тутмағил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг, жахд қилғил, токи ҳалоллик била жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун". Дарҳақиқат, маблағ топиш, уни эзгу ишларга сарф этиш ҳеч қайси адолатли жамиятда тақиқланмайди. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳам оиласи, ҳам юртининг фаровонлигига ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз талайгина. Лекин улар орасида солиқларни тўлашдан қочиб, турли йўллар билан даромадини яшираётган, қалбаки ҳужжатлар билан ноқонуний фаолият юритаётганлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

Менинг нафсим балодур, ўтдан-ўтга солодур, деганларидек, дастлаб номақбул ишларимни ҳеч ким сезмаяпти, деб ўйлаб қаттиқ янглишган Аъзамхон Максимов қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқишини билмаган экан. Сиртдан қараганда бузоқнинг ҳақи бор, деб сигир сутидан ҳам ҳазар қиладиган одамдек таассурот қолдирадиган бу кимсанинг зимдан қилган ишларини эшитиб ёқа ушлайсиз. У 2005 йилнинг 15 июлида турли сохта ҳужжатлар тўплаб, "Избоскан фавворaси" масъулияти чекланган жамиятини тузди. Ўн икки кундан кейин улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани қўлга киритиб, енг шимарганча ишга тушиб кетди. "Избоскан фавворaси"дан жарақ-жарақ фойда кўраётган "тадбиркор" даромад солиқларини ўз вақтида тўлаб бориш шарт эканини жуда яхши билса-да, тўлагиси келмади. Шу туфайли қалтис ишга қўл урди — даромадларини солиқ идораларидан яшириб, бойлигига бойлик қўшишни ўйлади. Унинг ноқонуний фаолиятидан тегишли ташкилотлар огоҳ бўлгач, Аъзамхоннинг қинғир ишларига чек қўйилди. Тафтишчилар сохта тадбиркорнинг яширган даромадларию тўлашни истамаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиққанларида, жами 22 млн. 46,2 минг сўмни ташкил этди. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари корхона фаолиятини тўхтатиб қўйганларидан кейингина уларнинг кўзлари очилди. Ҳисоб-китоб натижаларига кўра ушбу корхона салкам 2 млн. сўм солиқ ва мажбурий тўловлардан бўйин товлагани аён бўлди.

— Фаолиятимиз давомида юқоридаги каби нохуш ҳолатларга кўп дуч келамиз, — дейди республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти туман бўлими бошлиғи Ҳамидулло Мамасоитов. — Албатта, бу каби ҳолатларнинг содир этилишига тижорат билан шуғулланиш ёки ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштирувчи, янги ташкил этилган фирма ва корхоналарни рўйхатга олувчи ташкилотлардаги айрим ходимларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилаётганликлари, бефарқликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Айни пайтда бу каби масалалар билан жиддий шуғулланишга киришганмиз. Биз қонунларни ҳурмат қилиб, фаолиятини тўғри йўлга қўйишни истаган тадбиркорларга имкони борича ёрдам беришга тайёрмиз. Аммо қонунга чап бериб, бойлик орттирмоқчи бўлганлар, албатта, қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сирдарё вилояти

Хомийлар бор бўлсин!

ҲИММАТИ БАЛАНД БЎСТОНЛИКЛАР

уларнинг саховати қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қилмоқда

Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини Боғистон ва Зарафшон маҳаллаларидан ташкил топган. Айни пайтда қишлоқдаги фермер хўжаликлари сони 168 тани ташкил этади.

Бўстонлик фермерлар қишлоқдошларининг оғирини енгил қилишга бел боғлаганлар. Ғулом Фозилов раҳбарлик қилаётган "Тўқмоқ" ҳамда Ботир Эрбеков раҳбарлигидаги Норқул номли фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ врачлик пунктига "Дамас" русумли тез ёрдам машинаси совға қилинди. Улуғбек номли фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Умматов эса маҳаллага 360 туп арча кўчатини ўз ҳисобидан олиб берди. Баҳри ота номли фермер хўжалиги раиси Зафар Баҳриев замонавий дорихона, Эшпўлат Ишатов эса масжид биносини қуриб, кўпчиликнинг дуосини олди. 30 нафар қария ва меҳнат фахрийсидан иборат бўлган гуруҳ фермер Фарҳод Эркаев ҳомийлигида Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби тарихий шаҳарларни зиёрат қилиб қайтдилар.

— Ҳар бир фермернинг хайр-саховати, меҳр-оқибати ўрнак қилса арзигулик, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдураззоқ Аллаёров. — Қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш маҳалламиз аҳли учун одатга айланган. "Бир болага етти қўшни ота-она" нақлига амал қилиб иш олиб бораётганимиз туфайли кейинги йилларда ёшлар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари содир этилмади.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Коммунал тизимда тажриба

Фарғона вилояти

Маҳалла ва ХУМШ: ҲАМКОРЛИКДАН ЙИҒИНГА ҲАМ РАҒБАТ БОР

Бугун мамлакатимизда коммунал соҳа ривожида фуқаролар йиғинлари билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, йиғинлар бир томондан коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда аҳоли талаб ва эҳтиёжларининг қаноатлантирилишига қўмаклашса, иккинчи томондан коммунал тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ йиғилиши учун аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боради.

Ҳа, кўрсатилган коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш истеъмолчиларнинг энг аввало бурчи, қолаверса, мажбурияти ҳисобланади. Орамизда буни яхши англаган ҳолда бурч ва мажбуриятини намунали адо этаётганлар билан бирга лоқайд, масъулиятсиз кимсалар ҳам бор. Ҳар қандай вазиятда ҳам мазкур жараёнга доир чора-тадбирларни белгилаш ва уюшқоқлик билан амалга оширишда маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ташаббускорлиги зарур бўлади.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда вилоятимизда фуқаролар йиғинлари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда коммунал хизматлар тўловлари учун маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олинишига бош-қош бўлиб келмоқда. Ушбу Қонуннинг 12-моддасида "Фуқаролар йиғинининг кенгаши коммунал хизматлар ҳақини банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади" дейилган ва мутассаддиларга керакли йўл-йўриқ кўрсатилган эди. Вилоятда бу борада олиб борилаётган ишлар эса яқин йилларга қадар қониқарсиз аҳволда бўлиб, айрим мутасаддиларнинг эътиборсизлиги туфайли коммунал хизмат тўловлари ҳисоботида ва аҳолидан коммунал хизматлар ҳақи учун қарзларни ундиришда жиддий камчиликлар кўзга ташланиб турганди. Коммунал тўловларнинг ўз вақтида ундирилиши аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатишини назарда тутганда, бу борадаги ишларни жадаллик билан, янгича услубда ташкил этиш ва амалга ошириш заруратга айланганди.

Мана, кейинги йилларда бу соҳада тўпланган ижобий тажрибалар амалда ўз самарасини кўрсатиб турибди. Айни пайтда шаҳар ва туманлардаги 990 та фуқаролар йиғинлари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда алоқадор ташкилотлар билан шартномалар тузиб, барча турдаги коммунал тўловларни йиғиш учун агентларни ишга олган. Барча йиғинларда ишчи гуруҳлари тузилиб, уларга маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, банк, почта, ички ишлар, солиқ бошқармалари ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари бириктирилди. Кунлик бажарилган ишлар ёки йўл қўйилган камчиликлар маҳаллий ОАВ томонидан махсус дастурлар ва мақолалар орқали кенг ёритилмоқда.

Бу тадбирларнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи чораги учун фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ тўловлари йиғиб бўлинди. Бу жараёнда фаоллик кўрсатган Марғилон, Қўқон, Фурқат, Бешариқ, Бағдод, Фарғона туманларидаги маҳаллаларни рағбатлантириш мақсадида манфаатдор ташкилотлар томонидан 195 миллион сўм пул ажратилди. Ўз навбатида бундай рағбатга эга бўлган маҳаллалар томонидан ажратилган маблағлар кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловларига ҳамда ободонлаштириш ва рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилди.

Эндиликда вилоятдаги барча маҳаллаларда коммунал хизмат тўловлари ҳақини ойма-ой, тўлиқ ундириб бориш чоралари кўрилмоқда. Бу жараёнда эса, табиийки, коммунал тизимга татбиқ этилган юқоридаги каби ижобий тажрибалар қўл келади.

Толибжон ҲАФИЗОВ,
"Маҳалла" жамғармаси
Фарғона вилояти бўлими раиси.

Экология маданияти

ТОЗАЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Радио, телевидение, газета-журналларда табиат ҳодисалари билан боғлиқ ахборотларга тез-тез дуч келамиз. Қаердадир сув тошқини рўй берган, қаердадир қурғоқчилик, айрим жойда ҳарорат кескин кўтарилиб, одамлар ҳаётдан кўз юмаётган бўлади.

Юзага келаётган бундай ҳолатларни кўпчилик одатда экологиянинг бузилиб кетаётгани билан изоҳлайди. Негаки, иқлимнинг ўзгариши оқибатида одамларнинг соғлиғидан тортиб, табиатнинг асрлар давомида сақланиб келган темир қонуниятлари ҳам ўзгариб бораяпти.

Айтиш мумкинки, экологик муаммо ҳозирги кунда энг долзарб масалалар қаторидан жой олиб улгурди. Одамларнинг табиатдан аёвсиз фойдаланиши, техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани хавф-хатарнинг кучайишига имкон туғдириб бермоқда.

Юртимизда ҳам экологик муҳитни ифлосланти-ришга қарши кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётганидан хабардормиз. Айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини шакллантиришга берилаётган эътибор кишини қувонтиради. Ҳозир ўқув юртларида экология дарслари ўқув жараёнига киритилганидан ташқари турли муассаса ва ташкилотларда экологик софликка қаратилган клублар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай клублардан бири Ёшлик талабалар шаҳарчасининг Маънавият ва маърифат марказида "Ёш экологлар" номи билан фаолият юритмоқда. Мазкур клуб ўз ишини шаҳарча ҳудудидаги маҳаллалар билан ҳамкорликда олиб боради.

Маълумки, халқимизнинг қадимий урф-одатлари бевосита экология билан ҳам боғлиқ. Ҳовлини тоза тутиш, оқар сувга тупурмаслик каби қон-қонимизга сингиб кетган удумлар шулар жумласидан.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Маҳалла эса ватан ичидаги ватандир. Ана шу кичкина ватанда муаммони бартараф этсак, атроф-муҳит тозалигига эришиш мумкин.

Мадинабону ОЧИЛОВА,
Мунира НАЗАРОВА,
ЎзМУ талабалари.

Ер эгаси ютуғи

Жиззах вилояти

Арнасойнинг "ЛОЧИН"и

унинг тўрт бақувват "қаноти" бор...

Истиқлол шарофати билан юртимизда деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этила бошлангач, Арнасой туманида истиқомат қилувчи ака-ука Ўтабоевлар ўзаро маслаҳатлашиб, 30 гектар ер майдонида катта ғайрат билан иш бошлаган эдилар. Натижада, дастлабки йилиёқ барча мажбуриятлар ошиғи билан уддаланди.

Режалар тўғри ва аниқ эди: борган сари фермер хўжалиги иқтисоди бақувват бўлиб борди. Ўз навбатида, хўжалик ихтиёридаги ер майдони йилдан-йилга кенгаяверди. Бугунги кунга келиб 310 гектардан иборат майдон ака-ука Ўтабоевлар асос солган "Лочин" фермер хўжалигига қарашли.

Хўжаликда ишлар ҳар кимнинг имкониятига қараб тақсимланган. Фермер хўжалиги раҳбари Рустам ака юмушлардан ортиб, Тошкент аграр университетида сиртдан таҳсил олди. У деҳқончиликда ҳам олий маълумот олиш фермер учун албатта лозим, деб таъкидлайди. Аслида эса Рустам ака ерга меҳр, парвариш бериш борасида катта тажриба ва маҳоратга эга. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилидаёқ Президентимиз Фармони билан унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвони берилгани ҳам фикримиз тасдиғи. Дарвоқе, Р.Ўтабоев айни пайтда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам ҳамюртлари, маҳалладошлари ишончини қозониб келмоқда.

Шарофжон Ўтабоев техника бўйича мухандис, яқиндагина 500 миллион сўм маблағ эвазига хўжаликка келтирилган замонавий техникалар, шунингдек, бошқа барча техник жиҳозларга жавобгар.

Укаси Достонжон — иқтисодчи, хўжаликнинг барча ҳисоб-китоб ишларига масъул.

Ўтабоевларнинг кенжаси Абдурасулнинг зиммасига ҳам жиддий юмуш топширилган — иш бошқарувчи бўлиб хизмат қилади. Бобо Файзиев номли фермерлар уюшмаси ҳудудида истиқомат қилувчи 32 та хонадон аъзолари "Лочин" фермер хўжалигида меҳнат қилади.

Бу йил ҳам фермернинг шашти баланд. Ҳосилнинг чўғи юқори эканлигини хўжалик далаларига борган ҳар бир киши эътироф этмоқда. Зеро, элнинг дуосини олиб, астойдил меҳнат қилган киши завол кўрмайди. Биз у кишидан кўрсатаётган ҳомийлик ёрдамлари ҳақида сўраганимизда, камтарлик билан "ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, саховатнинг кучи шунда", деб жавоб қилди.

Барно РУСТАМОВА

СУРАТДА: *"Озод" номли минибанк бошқарувчиси Замира Абдуҳакимова Фарҳод-Юнус номли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Сайдулла Тўхлиевга меҳнат ҳақини етказди.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент вилояти

ПАЙКАЛ БОШИДА БАНК ХИЗМАТИ

Бунгунги кунда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда айниқса, банк хизматлари кўрсатиш тизимида фермерлар учун яратилаётган қулайликлар ва имтиёзлар алоҳида эътирофга лойиқ.

"Пахтабанк"нинг Янгийўл туманидаги "Озод" номли филиали томонидан яқинда фермерлар учун яна бир қулайлик яратилди, яъни эндиликда фермер хўжалиги ходимлари меҳнат ҳақларини олиш учун банк шохобчасига бориб юрмайдилар. Банк ходимлари уларга даланинг ўзидаёқ хизмат кўратиб, маошларини етказиб бермоқдалар.

— Далада иш қизғин паллага кирган пайтда деҳқон учун ҳар бир кун ғанимат, — дейди Фарҳод-Юнус номли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Сайдулла Тўхлиев. — Шу боисдан банк ходимларининг бизга қулайлик туғдиргани айни муддао бўлди.

Наманган вилояти

СОҲИБКОРЛИК СОҲИБКОР

Тўрақўрғон туманидаги Соҳибкор маҳалласида истиқомат қилувчи Аҳмадхон Иброҳимов ўтган йили "Амирхон, Шоҳруҳ, Муаттар" номли фермер хўжалигини ташкил қилган эди. Аҳамиятли томони шундаки, хўжалик фаолиятининг дастлабки йилидаёқ катта ютуққа эришди. "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси томонидан эълон қилинган танловда иштирок этиб, 2 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди.

— Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидан унумли фойдаланган ҳолда 2006 йилда 4 гектар майдондаги узумзорга эга бўлдим, — дейди фермер. — 109 тонна узум етиштириб, қайта ишлаш корхонасига топширган эдик. Яъни, гектар бошига 285 центнердан. Даромадимиз эса 8 миллион 797 минг сўмни ташкил қилди.

— Иброҳимовлар оиласи маҳалламиздаги намунали оилалардан бири ҳисобланади, — дейди Соҳибкор маҳалласи оқсоқоли Олимхўжа Акбаров. — Аҳмаджон ака касби иқтисодчи бўлишига қарамай, ернинг қадрига етадиган, айниқса, узумчиликка меҳри баланд инсон. Бундан ташқари, маҳалладаги барча тадбирларни ташкил этишда ҳам ташаббус кўрсатади. Жумладан, яқинда у ҳудуддаги кам таъминланган оилаларнинг газ ва электр тўловларидан мавжуд қарзларини тўлашга кўмаклашди.

Айни пайтда фермернинг ишкомларида иш қизғин. Унинг мақсади — жорий йилда гектарига 300 центнердан ҳосил олиш.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

Ҳаётдан олсак сабоқ

Бугунги битирувчи ЭРТАГА КИМ БЎЛМОҚЧИ?

ёхуд фарзандига касб танлаган ота-оналарнинг йўриғи қанчалик тўғри?

Сир эмас, юртимизда ўқув йили якунланишига оз фурсат қолганда фарзанди мактаб, коллеж ёки лицейни битираётган кўпчилик ота-оналар жиддий ташвишга тушиб қолишади. Тўғри, бундай паллаларда ота-оналарнинг катта ҳаёт остонасида турган ўғил ёки қизи келажагини ўйлаб, "фарзандим қайси олийгоҳга кирса маъқул экан", деб қайғуришини тушунса бўлади. Бироқ "фалон ўқишга киришинг, фалон касбни эгаллашинг керак", қабилидаги талаб-қистовларни оқлаб бўлармикан? Боз устига, болалигидан бирор касбни танлаб, уни эгаллаш орзусида юрган ёшлар ҳам баъзан билимига ишонмаслик, баъзан кимнингдир маслаҳати оқибатида фикрини ўзгартириб қолганига гувоҳ бўлганмиз.

Ўрта махсус ва олий таълим қабул комиссияларининг маълум қилишича, сўнгги беш-олти йил мобайнида ҳуқуқшунослик, информатика ва журналистика факультетларига ҳужжат топширувчилар сони бошқа факультетларга нисбатан анча юқори кўрсаткични ташкил этган. Буни замон талаби билан изоҳлашимиз, қолаверса, яна бошқа биз билган ва билмаган сабабларни кўрсатишимиз мумкин. Лекин айтмоқчи бўлганимиз бу эмас. Хўш, бу соҳаларни ёшлар ўз қизиқишларига кўра танлаяптиларми ёки ота-оналар?

Яқинда қўшни аёллар ўртасида кечган шундай суҳбатга шоҳид бўлдим:

— Ўғлим ёшлигидан дурадгорликка қизиқади. Қачон қарасангиз, қўлидан болғаю ранда тушмайди. Чиройли ошхона буюмлари ясашга қўли анча келиб қолган. Мактабни битиргач, мебелсозликка ўқимоқчи бўлиб юрганди, лекин дадасини кўндиролмаяпмиз. Ёлғиз ўғлим тахтаарра қилиб юрадими, институтга кирсин, менинг давримда ўқисин, ҳуқуқшунос-юрист бўлсин, деяптилар...

Оддий суҳбат қизғин баҳсга айланди: кимдир отанинг талабини маъқуллади, кимдир "Ҳозирги замонда ҳунар билган ҳам хор бўлмайди, устига-устак, ўғлингизнинг ўзи қизиқар экан", деса, бошқаси юрист бўлса, йигитнинг ошиғи олчи бўлишига шаъма қилиб гапирди.

Аслида қайси касбни танлаш, келажакда ким бўлиш ҳар бир инсоннинг шахсий иши. Лекин баъзи ота-оналар касб танлаганда фарзандида шу соҳага қизиқиш, иқтидор борлиги билан ҳисоблашмайдилар. Айримлар эса бола танлаган касбнинг ҳозирги кунда қиммати йўқлиги ёки маоши камлигини рўкач қилиб, ундан совутмоқчи бўлади.

Хўш, касбни яхши-ёмонга ажратишимиз тўғрими? Албатта, йўқ. Ҳамма гап инсонга, ўз касбини, ҳунарини қай даражада эгаллаб, ҳаётга татбиқ эта олишига боғлиқ. Биргина мисол, бугун кўп ота-оналар фарзандларининг геология факультетига кириб ўқишларига қаршилик кўрсатадилар. Чунки бу соҳани давримизнинг олғир соҳаларидан бири деб ҳисобламайдилар. Ваҳоланки, геология фанига улкан ҳисса қўшган академик Ҳабиб Абдуллаев номи жаҳонга машҳур. Бугун ҳам ёшларимиз орасидан шундай билимдон, ўз соҳасининг етук инсонлари кўплаб етишиб чиқса қандай яхши!

Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг техник ва аниқ фанларга бўлган қизиқишлари ҳам сусайгандек, назаримда. Масалан, айни пайтда мамлакатимизга етук микробиолог кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Микробиология дунёда тез ривожланаётган ҳамда муҳим соҳалардан бири ҳисобланади, шунинг учун кўпгина давлатлар бу фан бўйича халқаро грант танловларини эълон қилганлар. Бизда бу соҳа аста-секин ривожланаётган бўлса-да, ҳали бундан тўлиқ қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Ҳаётда фарзандининг қизиқишларини жуда эрта пайқаб, уни тарбиялаган ва катта ютуқларга эришишига сабабчи бўлган ота-оналар жуда кўп. Мутахассисларнинг фикрича, боладаги қизиқиш қанчалик эрта аниқланиб, тўғри тарбиялаб борилса, шунчалик кўпроқ натижага эришиш мумкин экан. Масалан, баъзи хориж мамлакатларида боғча ва бошланғич синф болаларининг ижодий қобилиятини ўстириш ҳамда уларнинг қизиқишларини аниқлаб, ривожлантириш учун рангли бўёқ, пластилин, фантазияни ишга солиб турли нарсалар ясашга мўлжалланган ўйинчоқларни беришади. Мутахассис машғулотлар давомида бола кўпроқ нима чизгани ёки ясаганига қараб, қобилиятини аниқлайди ва ота-она билан маслаҳатлашиб, шу йўналишдаги тўгаракларга йўналтиради.

Ҳа, бугунги техника тараққиёти даврида мамлакатимиз учун аниқ фанларни, техника сирларини чуқур эгаллаган кадрлар зарур. Уларни етиштириш учун эса фарзандларимизни мактаб давридан, керак бўлса, оиладан, боғча ёшидан тайёрлаб бориш лозим. Аммо аксарият мактабларимизда адабиёт, ашула ва рақс тўгараклари фаол ишлагани ҳолда радиотехника, кимё, физика, математика тўгаракларининг иши яхши йўлга қўйилмагани ҳам бор гап.

Юқорида келтирган фикрларимизда баҳсли ўринлар бўлиши табиий. Зеро, бундай масалаларда ягона ва тўғри хулоса чиқариш мушкул. Мақсадимиз ота-оналарни ва янги ҳаёт остонасида турган ёшларни касб танлаётганда яна бир бор жиддийроқ ўйлаб кўришга даъват этишдир.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Баъзи ота-оналар фарзандларининг бўйи етгач, ўғил бўлса, тезроқ уйлантириш, қиз бўлса, тезроқ куёвга узатишга ошиқиб қоладилар. Тўғри, фарзандлар тўйини кўришдек бахтли онларга тезроқ етишни ҳар бир инсон истайди. Лекин фарзандлар камоли деганда, фақатгина уларнинг тўйини кўриш тушунилмайди-ку!

АВВАЛ КАСБ-КОР, КЕЙИН РЎЗҒОР

оила қуриш осон, уни мустаҳкамлаш эса...

Хўш, ўн саккиз-йигирма ёш чамасидаги йигит ёки қиз оилавий ҳаётга, рўзғор тебратишга тайёрми? Балки икки ёш ёки улардан бири оилавий турмуш дегани фақат хуш онлардан иборат эмаслигини, турмушнинг муштлари, яъни ўзига яраша синовлари борлигини, бу синовлардан ўтишда ёшликка хос қайноқлик эмас, собитлик ва бардош-матонат кераклигини ҳали англаб улгурмагандир. Ахир оилавий ҳаёт учун ҳам жисмонан, ҳам руҳан етилиш жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади. Бунда ёш йигит-қизнинг жисмоний имкониятлари, наслий мойиллиги, қолаверса, у тарбия топган оила муҳити алоҳида ўрин тутади. Албатта, ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, лекин... Афсуски, бошига тушса қўникади, деган хомхаёл билан ҳали она сути оғзидан кетмаган ёш йигит-қиз гарданига оила масъулиятини юклаш ҳар доим ҳам ўзини оқлаётгани йўқ.

... Бир ота-она қарз-ҳавола қилиб, ўғлини уйлантирди. Тўйдан бир ой ўтмай бирон касб-ҳунари бўлмаган куёв ишга ёлланиб, узоқ юртга равона бўлди. Ҳали меҳнатда чиниқмаган йигит у ёқдан мўмай пул топиб келиш ўрнига касалликка чалиниб қайтди. Энди у янги оиласини мустаҳкамласинми ёки соғлигини тикласинми? Бир томонда ҳали бирор касб-ҳунар кўчасидан ўтмаган келинчак тўрт девор ичида чор-атрофга ночор боқади. Қайнона-қайнота қистови билан бозорга чиқиб кўрди. Бозорнинг ўзига яраша озорларига икки ой ҳам чидай олмади. Кечагина ўрта мактабни тугатган қизгина нозик елкаларида рўзғорнинг залворли юкини кўтара олмай, бош эгиб тураверди. Шундай қилиб, ота-оналарининг орзу-ҳаваслари йўлида қўғирчоққа айланган икки ёш турмуш қуришга шошганларини тушуниб етдилар. Яқиндагина тантанали равишда уларни никоҳдан ўтказган ФҲДЁ бўлими ходимлари ажримни расмийлаштирдилар. Икки ёш тақдирига ҳар қандай кишининг ичи ачийди, лекин начора!..

Бошқа мисол: худди юқоридагидек касбу кор эгалламай турмуш қурган икки ёш бир йил ўтар-ўтмас фарзанд кўриб, ота-она бўлишди. Ёш келинкуёвнинг харажатини кўтариб келаётган ота-онанинг ҳам қувончи, ҳам ташвиши ортди. Яна бир муаммо: куёвнинг уйланадиган, турмушга чиқадиган ука-сингиллари бўлса-чи? Энди ёш оила олдида уй-жой масаласи ҳам кўндаланг бўлади!..

Бундай муаммолар гирдобида қолган қанчалаб ёш оилаларнинг пойдевори мустаҳкамланиш ўрнига нураб, ажралиш ҳолатлари юз бермоқда. Ахир ҳали ҳаётнинг паст-баландини кўрмаган, касб-ҳунар ўрганиб, бир жойда ишлаб қўним топмаган ёшлар оилани қандай бошқарсин?

Айрим ота-оналар қизларини 14-15 ёшда «фотиҳа» қилиб қўймоқдалар. Гўё шу ёшда тақдирини оқибат билан боғлаб қўймаса, эгаси топилмас эмиш. Бунинг оқибатида қизнинг хаёли бузилади: ёшига номуносиб тарзда фикрлай бошлайди, кийинишга, пардоз-андозга ружу қўяди. Унаштирилган йигит ҳам ҳаётни фақат ширин дамлардан иборат, деб ўйлаб, учрашувларга ошиқади, фикру хаёли бўлажак тўйда бўлиб қолади. Касб-кор ўрганиш, билим олиш унга ортиқча ташвишдек туюлади. Ҳунарсиз, билимсиз ёш қандай қилиб ўз фикрига эга бўлсин? У ҳар қандай муаммони ота-онаси ҳал қилишига кўникиб қолган-ку. Бундай ҳолатлар икки ёшнинг кейинги тақдирига қандай таъсир кўрсатаётгани эса юқоридаги каби, оз бўлса-да, ҳаётимизда учраб турган ҳунук ҳолатларда намоён бўлмоқда. Лекин минг афсуски, бундай ҳаётий сабоқлар ҳам айрим ота-оналарни ҳушёр торттирмаяпти.

Зеро, ота-оналарнинг фарзандлари тақдирига масъуллиги нафақат ёшлар, уларнинг оиласи бахтига, балки жамиятимиз равнақига, тараққиётига дахлдор масаладир. Демак, бу мавзу ҳар бир замондошимизни, жумладан, маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимларни мулоҳаза юритишга чорлаши, ўйлантириши аниқ.

О.ҚУРБОНОВА,
Хоразм вилояти Хива тумани халқ таълими бўлими мудираси, II даражали "Соғлом авлод" ордени нишондори.
Б.МАДРАҲИМОВА,
Хива тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.

НОННИНГ АЗИЗЛИГИ ҲАҚИҚАТ



Шу кунларда деҳқон даласига серқатнов. Чунки она юртимиз замини узра ҳаммамизнинг ризқ-рўзимиз — буғдой бошоқлари етилиб қолди. Буғдой мўл бўлса, дастурхонимизда ширмой нонлар тўкин бўлади. Бу тўкинлик замирида заҳматли меҳнат борлигини гўдаклигимизданоқ бобою бувиларимизнинг "Нонни увоғини ҳам увол қилма, болам! Бу жуда азиз неъмат" дея қулоғимизга қуйган ўгитларидан яхши биламиз. Ерда ётган нон бўлагини кўзига суртган кишига ҳурматимиз ортади. Дастурхонга тўкилган нон увоқларини теріб ейиш нонга эҳтиром, туз-насибага шукроналиқдир, наздимизда. Нонинг қадрига етмоқ — ҳаётни, тирикликни қадрламоқ. Шубҳасиз, ҳаёт қадрини нуронийларимиз ҳар биримиздан ортиқ англайдилар. Буни уларнинг нонни авайлаб синдиришларида кўргандек бўламиз... Нон азиз! Бу — набираларининг суюклиси, ёши улуғ азизларимизнинг сўзи, бу — ҳақиқат!

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Халқ амалий санъати тарихидан

Чиннининг сири...

ўзбек ҳунармандлари қадимдаёқ чинни сирини билганлар

Ўзбек халқи ўз тарихи давомида бадиий ёдгорлик ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарларини яратди. Ўзбек ҳунармандларининг юксак маҳоратини биноларнинг ички ва ташқи безакларида, нафис кошинларда, бўртмаганч ўймаларида, тош ва ёғочларга ишланган сержилва нақшларда, маъдан ва чармга солинган турли манзараларда, гиламлар, шоҳи атласлар, сўзаналарнинг жозибали рангларида, чинни буюмларда кўриш мумкин.

Чинни буюмлар ҳақида, унинг яратилиши тўғрисида кўплаб қизиқ афсоналар, ривоятлар тўқилган. Чунончи, чинни идишлар пайдо бўлган Чин мамлакати (Хитой) усталарини кишилар гўё сеҳргарлардек тасаввур этишган. Ҳатто чинни тайёрланадиган лойга тилла, кумуш қўшилармиш, одам қони қўшилса, янада яхши бўлармиш, деган турли-туман уйдирмалар, афсоналар тарқалган. Хуллас, Чин мамлакатининг ихтироси бўлган бу ҳунар бошқа мамлакатларга тарқалгунча неча-неча асрлар ўтган, қанчадан-қанча олимлару кимёгарлар чинни буюмлар тайёрлаш сиру синоатларини ўрганиш йўлида кўп машаққатли тажрибалар ўтказганлар. Чиннидан турмуш учун зарурий буюмлар ясашни Марказий Осиё халқлари тез ўзлаштириб олганлар. Тарихий маълумотларга кўра, XIV-XV асрларда, яъни ҳунармандчилик ривожланган даврда чиннидан ҳам турли хилдаги нафис ва жарангдор буюмлар ясалганлиги маълум. Жумладан, Мирзо Улуғбек Самарқанд олимлари ва яқин атрофдаги кишилар билан турли маросимлар, тантанали базмлар ва илмий суҳбат-музокаралар ўтказиш учун шаҳар атрофида ҳатто бир боғ — Боғимайдонни бино қилдириб, боғда Чиннихона номли гўзал қаср қурдирган. Сарой деворлари чинни билан қоплангани учун қаср шундай аталган. Чиннихонани бунёд этишда Хитой чинниларидан ташқари маҳаллий чинни ҳам ишлатилган. Самарқандда ҳукмдорлар томонидан берилган зиёфатларда қатнашган Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо саройларда олтин, кумуш косалар билан бир қаторда сопол ҳамда қимматбаҳо ҳисобланган чинни косаларни ҳам кўрганлигини ёзади.

Шундай қилиб, юртимиз ҳунармандларининг атлас нусха, пахта гулли ва бошқа нусха гуллар нақш солинган нафис ва жарангдор лаган, коса, пиёла, чойнак каби чинни буюмлари қадимдан маълум ва машҳур бўлган. Бундай буюмлар Марказий Осиё бозорларида ҳар қандай нозикдид харидор диққатини, айниқса, европалик савдогар ва сайёҳлар эътиборини тезда ўзига тортган.

Бугунги кунда республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Қувасой, Хива шаҳларидаги чинни заводларида турли хилдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Самарқанд шаҳрида шарқона идиш ва буюмлар ишлаб-чиқаришга мўлжалланган чинни заводи 1970 йилда ишга туширилди. Ҳозирда Самарқанддаги "Нафис" акциядорлик жамиятида йилига 50 турдаги бежирим жарангдор чинни буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада тайёрланаётган нозик ва нафис буюмлар мажмуалари нафақат Осиё, балки Европа мамлакатларида ҳам шуҳрат топган. Масалан, ўша йиллари шарқона услубда нафис қилиб ишланган "Узум" чинни сервиси Чехословакиянинг Брно шаҳрида ўтказилаётган жаҳон кўргазмасида европалик чиннишунослар томонидан олтин нишон ҳамда махсус диплом билан тақдирланган. Шунингдек, корхонада тайёрланган "Сўзана" мажмуи кумуш, "Шафтоли гули" ҳамда "Оқ олтин" мажмуалари бронза нишонлари билан тақдирланган. "Гўри Амир" чинни мажмуи Самарқанд чинни заводининг расмий рамзидир. Феруза ранг билан жило берилган ва олтин ранг-ла сайқал топган оппоқ чиннидан ишланган ушбу буюмлар жаҳонга машҳур қадимий меъморий ёдгорлик гумбазини эслатади.

Самарқанд чинни заводи учун зарур бўлган асосий хом ашё илгари Россиядан олиб келинар эди. Бугунги кунда Ангрендан ва Навоий вилоятидаги Лангардан олиб келинган маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда. Самарқанд чинни заводи 2001 йил апрелида бозор иқтисодиёти даврида ишлаб турган, ўз мавқеини йўқотмаган корхона дея эътироф этилиб, Париж халқаро саноатчилар уюшмасининг олтин нишони билан тақдирланди. Бу Самарқанд чинни ишлаб чиқариш корхонасининг халқаро миқёсдаги яна бир ютуғидир.

Хивада ишлаб чиқарилаётган чинни маҳсулотларининг ҳам бозори чаққон, уни нафақат юртимиз аҳолиси, хориждан келаётган сайёҳлар ҳам севиб харид қилишади. Бугунги кунда ушбу корхона Англия, Германия ва Италиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унинг цехларидан чиройли безак ва кўринишга эга бўлган бир-биридан гўзал, жарангдор чойнак, пиёла, лаган, гулдон, кўза, миллий совғабоп буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Хивада ишлаб чиқарилаётган сопол ва чинни буюмларга Россия, Украина, Қозоғистон каби мамлакатларда қизиқиш катта. 1994 йили Туркиянинг Измир шаҳрида, 1996 йили Покистонда, 1997 йили Парижда ўтказилган жаҳон кўргазмаларида Хива чинниси ва кулолчилик маҳсулотлари намойиш этилиб, юқори баҳоланди.

Мустақил республикамизнинг энг йирик ва кекса чинни ишлаб чиқариш корхоналаридан бири Тошкент чинни заводи ҳисобланади. Бугунги кунда корхонада 60 дан ортиқ турдаги сифатли чинни идишлар ишлаб чиқарилмоқда. "Шодлик", "Дурдона", "Сарой гули", "Нозигим", "Шоҳсанам", "Пахта", "Баҳор" сингари ўнлаб олий нав термалари республикамиз ва хорижда катта шуҳрат қозонган. Тошкент чинни ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг йирик давлатлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий кўргазмаларда бир неча бор намойиш этилиб, юқори баҳо олган. Лейпцигда (Германия) ўтказилган халқаро ярмаркада "Оқ олтин" тўплами олтин нишонга сазавор бўлди. "Тонг" тўплами Зангребда (Югославия) олтин нишон олди.

Корхона маҳсулотлари ҳар йили экспортга чиқарилмоқда ҳамда Канада, Япония, Франция, Германия, Италия, Ҳиндистон ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги халқаро ярмаркаларда сотилмоқда. Хулласи калом, бугунги кунда ўзбек чинниси дунёнинг етти иқлимига бориб етди ва ўз харидорини топди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда фаолиятда анча фаоллашасиз. Банк ва давлат ташкилотлари билан боғлиқ масалалар ва жамоатчилик ишларини осонликча ҳал қилишингиз мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)

Ҳафтанинг биринчи ярми савдо-сотиқ, молиявий ҳисоботлар ва саломатлигингизни тиклаш учун жуда қулай. Якшанбани хуш кайфиятда ўтказасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ушбу ҳафтада катта ижодий ишга қўл уришингиз эҳтимоли бор. Янги орттирадиган танишингиз келгусидаги режаларингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ишхонада алоқа воситалари билан боғлиқ ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Шунингдек, қарзлардан қутилиш ва қизиқарли адабиётларни харид қилиш имконияти туғилади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда сизда ҳамкасблар олдида анча фаоллашиш истаги пайдо бўлади. Дам олиш кунларида ота-онангизнинг кўнглини олишга ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳафта давомида яна да иродалироқ бўлиб, аниқ ҳаракатлар қилишингизга тўғри келади. Учрашувлар ва харид учун пайшанба энг қулай кун.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда янги иш бошлаш ва даромадингизни ошириш имкониятлари кенгаяди. Якшанбада уйингизга ўзгартириш киритишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта бошида ғайратингиз ошиб, барча муаммоларни осонликча ҳал қиласиз. Ҳафтанинг сўнгги кунларида эса ҳаётингиз сезиларли даражада ўзгара бошлайди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда хонадонингизда таъмирлаш ишларини бошлаб юборишингиз мумкин. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан хушмуомалада бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Мазкур ҳафтада соғлигингиз ва моддий аҳволингизни тиклаб олиш имкониятига эга бўласиз. Янги иш бошлашга шошилманг. Жума — саёҳат учун энг яхши кун.

КОВҒА (20.01-18.02)

Ҳафта давомида сизга молиявий масалада омад кулиб боқади. Шу боис уйингиздаги техника воситаларини янгилашингиз ёки бошқа жиҳозлар харид қилишингиз мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)

Яқинларингиз ҳолидан хабар олинг. Ҳамкорлар билан имзоланган шартнома шартларини бажаришда тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳри Учтепа тумани бўлинмаси тумандаги Ватанпарвар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Азиза Хидировага падари бузруквори **ФАЙЗУЛЛА ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сурхондарё вилояти

Дунёда ғаройиботлар кўп. Бойсун таманининг Сайроб қишлоғидаги қарийб минг ёшли чинор ҳам шулар жумласига киради. Шохлари 30-40 квадрат метр майдонга соя соладиган ушбу улкан дарахт атрофида чойхона, йўловчилар ҳордиқ чиқарадиган маскан жойлашган.

Йиллар мобайнида чинор танасида 4-4,5 квадрат метрли ковак пайдо бўлган. Ҳозир ундан музей сифатида фойдаланилади.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Бердақ (Бердимурод) Қарғабой ўғлининг қизи Ҳуриламон ўз даврида етук бахши, созанда сифатида маълум ва машҳур бўлган. Шу боис туманда, Қўнғироту Бўзатовда, Амударёнинг қуйи оқимидаги кенту овулларда санъат ихлосмандлари уни ҳурмат ва эҳтиром билан "Қиз бахши" дея эъзозлаганлар. Ўтган асрнинг 60-йилларида Мўйноқнинг яна бир қиз бахшиси эл эътиборига тушди.

Қиз бахши

Тўғжон Иброҳимова ҳам шу ном билан эл эъзозида

Тўғжон Иброҳимованинг санъатга меҳр қўйишида бобоси — полвон ва моҳир созанда Иброҳим бобо ҳамда халқ қўшиқлари ихлосманди бўлган отаси Тлеубойларнинг таъсири катта бўлди. Онаси ҳам халқ достонлари ва термаларини маромига етказиб ижро этган.

— 1968 йил Чимбой шаҳрида ҳаваскор ашулачи, бахши ва лаққилар (қизиқчилар) кўрик-танловида илк бор саҳнага чиққанман, — деб хотирлайди Тўғжон Иброҳимова. — Ўшанда ўнинчи синф ўқувчиси эдим. Танлов ғолиби бўлиш менга руҳан қувват ва ишонч бағишлади. Ҳакамлар ҳайъати таркибида бўлган таниқли филологлар ва шоирлар Ҳуриламондек етук бахши бўлишимни тилаб, оқ фотиҳа берган эдилар.

Тўғжон Иброҳимова қирқ йилдирки, Мўйноқ тумани маданий-маърифий ҳаётида фаол қатнашиб келади. Санъатини бир неча хорижий мамлакат саҳналарида ҳам намойиш этди. "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Тоҳир ва Зуҳра", "Қирқ қиз" достонлари, кўплаб халқ қўшиқлари ва термалари унинг ижросида мухлислар қалбидан жой олган. Санъат фидойиси бўлган Қиз бахши турмуш ўртоғи Жамол Турдимуродов билан тўрт фарзандни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялямоқда.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ

Ўзим

...Яна либос ҳақида

Эрталаб отам билан қабристонга бордик. Одам кўп, биров келиб, биров кетади. Баҳор қабристондан бошланади, деганлари рост экан. Ҳаммаёқ яшилликка бурканган, аммо бу кўркамлик кўзни қувнатмас, аксинча юракка маъюслик, ғам соларди. Отам юзига фотиҳа тортиб, ғамгин бир кайфиятда туриб қолди. Нарирокда эса аёл кишининг ўксиб-ўксиб йиғлаган овози эшитилди. Унинг ёнига бордик. У йиғи орасида энтикиб-энтикиб «Онажоним-а», дея оҳ уриб қўярди. Лекин аёлнинг бу ерга нақ тўйга келгандек ясаниб, очиқ-сочиқ кийинган ҳолда келгани унинг рафторини ғашни келтирадиган даражада бузиб турарди. Отам қироат билан тиловат қила бошлади. Аёл аста-секин ўзига келиб, дуога қўл очди.

— Қизим, Аллоҳ ишларига тан бермай иложимиз йўқ. Агар онангизни яхши кўрсангиз, ҳақига дуо қилинг. — Отам аёлга қарата салмоқлаб гапирар, у эса жим туриб қулоқ тутар эди. — Кейин кўнглингизга олмангу, қабристонга бундай кийиниб келиш ярамайди. Дуоларимиз ижобати учун ниятимиз билан қилаётган амалларимиз мос келиши керак. Дунёда ҳеч ким айтмаса ҳам, одамларнинг ўзлари англаб етиши керак бўлган меъёрлар бор.

Аёл қизарибгина отамнинг гапларини эшитди.

Уйга қайтарканмиз, бояги аёлнинг онаси қабри узра оҳ уриб йиғлашлари кўз олдимдан кетмас эди. Фақат кийиниши...

«Ҳар бир ишнинг чамаси бор, ҳар жойнинг мос либоси» деган нақл бекор айтилмаган экан-да, деб қўйдим ўзимга ўзим.

Омонгул ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ҳарф терувчининг хаёли қочганда...

Энахон аянинг ўзлари **(сўзлари)** бирам ёқимлики...

Шўрлик Ойбека бор аламини эридан **(еридан)** олаяпти.

Абдуманноп фермернинг хотини доим ириллаб **(зириллаб)** туради.

Салгина ҳаво айниса, айёр акалар **(такалар)** шумшайиб қолади.

Ёлғон қўшиқчи маҳалладаям "фанагрўм" айтса, ори **(тори)** синди, деяверинг.

Текширувлар тугади, энди ўзимга **(кўзимга)** қарашим керак.

Тўғри ишласанг, ҳатто улфатлар **(кулфатлар)** ҳам қочаркан.

Деҳқонларгаям қийин: ернинг афти **(тафти)** ўзгариб кетган.

Бошлиқнинг танбеҳи: "Кейинги пайтда қатиқ **(қаттик)** ичаяпсизми, дейман..."

Муштни зўр еган **(деган)** йигитлар сулув қизнинг пойида **(пайида)** бўлади.

Оч **(От)** айланиб озиғини **(қозиғини)** топади.

Букрини кўр **(гўр)** тузатади.

Аскар чолларда **(Аксар ҳолларда)** омад етишмайди.

Шеърдан: Сени излаётир қароқчиларим **(қорачиқларим)**.

Алло, хотинжон мен самолётда ичиб **(учиб)** кетаяпман.

БЕКТОЙ тайёрлади.

Хоразм вилояти

"Тошкент чорраҳаси" ...Хивага элтди

"Шарқ-Ғарб. Тошкент чорраҳаси" мавзусидаги суратлар ва видеотасвирлар санъати бўйича Тошкент халқаро фестивали иштирокчиларининг Хоразмга ташрифининг якуний босқичи қадим шаҳардаги кўҳна Арк майдонида бўлиб ўтди.

"Буюк ипак йўли" бўйлаб олинган турли мавзудаги ноёб суратлар, видеотасвирлар жой олган кўргазмада замонамизнинг М.Пенсон, И.Паков, Г.Глауберзон, А.Роипашвили, Т.Котци, Г.Ильгиз, Ф.Деро, М.Сакураи каби дунёга таниқли суратчи ва видеотасвирчиларининг ноёб санъат асарлари намойиш этилди. Озарбайжон, Болгария, Германия, Греция, Грузия, Миср, Қозоғистон, Македония, Норвегия, Фалластин, Польша, Россия, Туркия, Франция, Украина, Жанубий Корея, Япония мамлакатлари вакилларининг асарлари томошабинларда чуқур таассурот қолдириб, она табиатга, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини жунбушга келтирди.

Фестивал қатнашчилари қадим Хива ёдгорликларини томоша қилдилар. "Ўзбеккино" фондида сақланаётган ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди.

Абдулла САФОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Жаҳонгир МИРЗО чизган расм

ЭЪЛОНЛАР...

Ҳамза туманидаги "Меҳри Турон" ХУМШнинг гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "Jahon savdo servis" (код по ОКПО 17859620) объявляет о реорганизации в форме слияния во вновь создаваемое ООО "Zamin savdo servis". Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 152-76-90

ЧФ "REMEKS" переобразуется на частное предприятие "REMEKS". Претензии принимаются в течении недели со дня публикации по тел: 1621708.

ООО FUD-DUNYO Юнусабадского р-на ликвидируется.

Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации по тел: 408-74-74

ЭЪЛОНЛАР...

Утерянный гос.ордер № 04-01/306. от 05.12.1992 г. Права собственности на квартиру на имя Ибрагимов Айса Зинурович считать недействительным.

Утерянные аттестат № 015686 от 15.06.1996 г. об окончании школы № 21. г.Ташкента и диплом № 063626 от 21.06.1996.г. об окончании колледжа ТПКЦТ г.Ташкента, выданные Ахметзянову Шамилю Атхамовичу считать недействительным.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани 123-мактаб томонидан 1988 йилда Самигов Мирқобил Хосиловичга берилган 471170 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

В связи с утерей чековую денежную книжку за № 0028876-900 У-Т Банка выданную ЧП "Полтаевой Л.П" считать недействительной.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 16 май 20 (570)

15842 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-420 Топширилди — 22.15
2 3 4 5 6